

“ЭТНОС”, “МАДАНИЯТ” ВА “ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁН” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИКДАГИ ТАЛҚИНИ

Бувоков Носирбек Махаматмусаевич

*Турон университети Андижон
филиали, тарих фани ўқитувчиси.*

Инсоният тарихи тараққиётида этник ва маданий жараёнлар жамият ривожининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Айниқса, турли цивилизациялар, халқлар ва маданий анъаналар туташган ҳудудларда этномаданий жараёнлар мураккаб ва кўп қатламли хусусият касб этади. Марказий Осиё, жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди қадимдан турли этнослар, тиллар, динлар ва маданиятлар кесишган геомаданий макон сифатида шаклланган. Шу сабабли мазкур ҳудудда кечган этномаданий жараёнларни тадқиқ қилишда “этнос”, “маданият” ва “этномаданий жараён” тушунчаларининг назарий ва методологик асосларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

V–VIII асрларда Марказий Осиё ҳудудида кечган этномаданий жараёнлар мураккаб сиёсий, ижтимоий ва цивилизацион ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, уларни тадқиқ этишда турли тарихшунослик мактаблари ва назарий ёндашувлар шаклланган. Бу жараёнларнинг моҳиятини англаш учун, аввало, “этнос”, “маданият” ва “этномаданий жараён” тушунчаларининг тарихий эволюцияси ва илмий талқинларини таҳлил қилиш зарур.

“Этнос” тушунчасининг тарихий-илмий эволюцияси

“Этнос” атамаси қадимги юнон тилидаги “ethnos” сўзидан келиб чиққан бўлиб, халқ, қабила ёки муайян жамоани англатган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мазкур тушунча этнология ва антропология фанларида кенг қўлланила бошлади[1]. Дастлаб этнос биологик ва ирқий хусусиятлар билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган бўлса, кейинчалик унинг ижтимоий, маданий ва тарихий хусусиятларига кўпроқ эътибор қаратила бошланди.

XIX аср охири — XX аср бошларида Европа этнологиясида этник жараёнларга нисбатан эволюционистик ёндашув устун бўлган. Луис Морган ва Эдвард Тейлор каби олимлар жамият тараққиётини умумий цивилизацион босқичлар асосида тушунтиришга ҳаракат қилганлар[2]. Бу концепцияларда этник ва маданий тараққиёт “ибтидоийликдан цивилизацияга” қараб ҳаракатланувчи бир йўналишли жараён сифатида талқин қилинган.

XX асрда этнос назариясига нисбатан янги концепциялар шаклланди. Совет тарихшунослигида этнос масаласи марксистик-формациявий методология асосида таҳлил қилинди. Совет этнологиясининг йирик намояндаси Ю.В.

Бромлей этносни “тарихий шаклланган барқарор инсонлар жамоаси” сифатида таърифлаб, унинг асосий белгилари сифатида:

- умумий тил;
- умумий маданият;
- умумий психология;
- этник ўзлик ҳисси;
- тарихий хотирани кўрсатади[3].

Бромлей назариясида этнос ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатида баҳоланиб, унинг шаклланиши иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ ҳолда тушунтирилади. Бу концепция совет этнологиясида узоқ йиллар давомида асосий назарий асос вазифасини бажарди.

Л.Н. Гумилёв эса этнос назариясига нисбатан цивилизацион ва биогеографик ёндашувни илгари сурди. Унинг “пассионарлик назарияси”га кўра, этнос муайян географик муҳит ва тарихий энергия таъсирида шаклланадиган динамик тизимдир[4]. Гумилёв этник жараёнларни табиий муҳит, миграция ва цивилизацион алоқалар билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилди. Айниқса, у кўчманчи цивилизацияларнинг жаҳон тарихи тараққиётидаги ўрнига юқори баҳо берган.

Ғарб тарихшунослигида этнос масаласига нисбатан бир нечта концептуал йўналишлар шаклланган:

1. Примордиализм;
2. Модернизм;
3. Конструктивизм;
4. Этносимволизм.

Примордиалистик ёндашув этносни қадимий ва табиий жамоа сифатида талқин қилади. Бу концепцияга кўра, этник бирлик умумий келиб чиқиш, қон-қариндошлик ва анъанавий маданият асосида шаклланади.

Модернистик ёндашув эса этник ва миллий идентикликни индустриал тараққиёт ва сиёсий модернизация маҳсули сифатида баҳолайди. Эрнест Геллнер миллат ва этник жамоаларни модернизация жараёнининг ижтимоий натижаси сифатида кўрсатган[5].

Конструктивистик ёндашув вакиллари этник идентикликни ижтимоий ва сиёсий жараёнлар орқали шаклланадиган конструкция сифатида талқин қиладилар. Бенедикт Андерсон миллатни “тасаввур қилинган ҳамжамият” сифатида баҳолаб, этник бирлик тарихий хотира ва оммавий коммуникациялар орқали шаклланишини кўрсатади[6].

Антони Смит илгари сурган этносимволизм назарияси эса этник жамоалар шаклланишида мифология, тарихий хотира ва маданий рамзларнинг аҳамиятини

таъкидлайди[7]. Бу ёндашув Марказий Осиё этник жараёнларини таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

“Маданият” тушунчасининг назарий асослари

“Маданият” тушунчаси гуманитар фанларда энг мураккаб категориялардан бири ҳисобланади. Кенг маънода маданият инсон томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликлар мажмуасини англатади[8].

Эдвард Тейлор маданиятни “жамият аъзоси сифатида инсон эгаллайдиган билим, эътиқод, санъат, ахлоқ, қонун ва урф-одатлар йиғиндиси” сифатида таърифлаган[9]. Кейинчалик маданият тушунчаси цивилизация, ижтимоий хотира, идентиклик ва маънавий муҳит билан боғлиқ ҳолда янада кенгайди.

Совет тарихшунослигида маданият ижтимоий-иқтисодий базисга боғлиқ устқурма сифатида талқин қилинган. Бу ёндашув маданий жараёнларнинг иқтисодий муносабатларга қарамлигини таъкидлайди. Натижада тил, дин ва маданий идентиклик каби омиллар иккинчи даражали масала сифатида қаралган.

Фернанд Браудел цивилизацияларни узоқ муддатли тарихий жараён сифатида таҳлил қилиб, маданиятни цивилизацион тараққиётнинг асосий кўрсаткичи сифатида баҳолайди[10].

Машҳур америкалик сиёсатшунос, Гарвард университети профессори, халқаро муносабатлар соҳасидаги энг нуфузли назариётчилардан бири – Сэмюэл Филлипс Хантингтон (Samuel Phillips Huntington, 1927–2008) эса маданият ва цивилизацияларни халқаро муносабатлар ва тарихий тараққиётнинг асосий омилларидан бири сифатида кўрсатади[11].

Марказий Осиё тарихшунослигида маданият тушунчаси шаҳар цивилизацияси, моддий маданият, диний муҳит ва тил муносабатлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. С.П. Толстов Хоразм цивилизацияси мисолида маҳаллий деҳқончилик маданияти ва кўчманчи дунё муносабатларини таҳлил қилиб, минтақа маданиятининг синтетик хусусиятини кўрсатиб берди[12].

М.Е. Массон, Г.А. Пугаченкова ва Б.А. Литвинский каби олимлар археологик материаллар орқали шаҳар маданияти, меъморчилик, диний муҳит ва маданий интеграция жараёнларини тадқиқ қилганлар[13].

“Этномаданий жараён” тушунчаси ва унинг таркибий компонентлари

“Этномаданий жараён” тушунчаси этник ва маданий омилларнинг ўзаро таъсири натижасида юз берадиган тарихий трансформацияларни англатади. Бу жараёнлар:

- тил;
- ёзув;
- дин;
- урф-одат;
- моддий маданият;

- давлатчилик;
- ижтимоий муносабатлар орқали намоён бўлади.

Этномаданий жараёнлар интеграция, ассимиляция, аккультурация ва симбиоз шаклида кечиши мумкин. Интеграция турли этник гуруҳларнинг умумий маданий муҳитга мослашувини англатса, ассимиляция бир этник гуруҳнинг бошқаси маданиятига сингиб кетишини билдиради. Аккультурация эса маданий алмашинув жараёни бўлиб, унда этник гуруҳлар янги маданий элементларни қабул қиладилар[14].

Марказий Осиёда V–VIII асрларда айнан шундай жараёнлар кенг кузатилган. Туркий қабилаларнинг минтақага кириб келиши маҳаллий суғдий, бактрий ва хоразмий аҳоли билан этномаданий интеграция жараёнларини кучайтирди.

Марказий Осиё тарихида этномаданий жараёнлар кўчманчи ва ўтроқ цивилизацияларнинг ўзаро муносабатлари асосида шаклланган. Бу ҳудуд қадимдан туркий, эроний, хитой, ҳинд, византия цивилизациялари туташган макон бўлиб келган.

Шу боис Марказий Осиё этномаданий модели синтетик ва трансрегионал хусусиятга эга.

Айниқса, турк-суғд симбиози илк ўрта асрлар этномаданий муҳитининг муҳим белгиси ҳисобланади. Суғдлар шаҳар маданияти, савдо ва дипломатик муносабатларда муҳим роль ўйнаган бўлсалар, туркий қабилалар ҳарбий-сиёсий ҳукмронликни таъминлаганлар. Бу жараён натижасида янги этномаданий муҳит шаклланган.

Машҳур француз тарихчиси, шарқшунос ва археолог Этьен де ла Вессьер Марказий Осиё тарихи, хусусан, илк ўрта асрлардаги иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни ўрганиш бўйича энг йирик мутахассислардан бири суғдларни Ипак йўли цивилизациясининг асосий маданий воситачилари сифатида баҳолайди[15].

Америкалик тарихчи, шарқшунос-турколог ва Ратгерс университетининг (Нью-Жерси, АҚШ) фахрий профессори машҳур Питер Бенжамин Голден Марказий Осиё ва Евросиё тарихи, хусусан, туркий халқларнинг шаклланиши ва уларнинг қўшни цивилизациялар билан алоқаларини ўрганиш бўйича жаҳоннинг энг йирик мутахассисларидан бири бўлиб, у эса туркий ва маҳаллий аҳоли муносабатларини Евроосиё цивилизациялари интеграцияси нуқтаи назаридан таҳлил қилади[16].

Марказий Осиё тарихшунослигида кўчманчи ва ўтроқ цивилизация муносабатлари муҳим назарий муаммолардан бири ҳисобланади. Совет тарихшунослигида бу муносабатлар кўп ҳолларда зиддият нуқтаи назаридан

талқин қилинган бўлса, замонавий ёндашувларда улар цивилизация интеграция ва маданий синтез жараёни сифатида баҳоланмоқда.

“Nomadic-sedentary interaction” назариясига кўра, кўчманчи ва ўтроқ аҳоли муносабатлари нафақат ҳарбий тўқнашув, балки маданий алмашинув ва ижтимоий интеграция жараёни ҳам ҳисобланади[17]. Бу ёндашув V–VIII асрларда Марказий Осиёда кечган этномаданий жараёнларни тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

Марказий Осиё этномаданий жараёнларини ўрганишда Ипак йўли цивилизацияси концепцияси муҳим назарий асослардан бири ҳисобланади. Ипак йўли нафақат савдо йўли, балки тил, дин, маданият ва технологиялар тарқалган трансрегионал цивилизация макон вазифасини бажарган.

V–VIII асрларда Марказий Осиё орқали буддавийлик, манихейлик, несторианлик, зардуштийлик ғоялари кенг тарқалган, турли ёзув тизимлари ва тил муҳити шаклланган.

Кристофер Бэквит Марказий Евроосиёни “жаҳон цивилизациясининг марказий алоқа ҳудуди” сифатида баҳолайди[18].

Шундай қилиб, “этнос”, “маданият” ва “этномаданий жараён” тушунчалари V–VIII асрлар Марказий Осиё тарихини тадқиқ этишда муҳим назарий-методологик асос вазифасини бажаради. Уларни таҳлил қилишда:

- тарихийлик;
- холислик;
- цивилизация ёндашув;
- интердисциплинар таҳлил;
- қиёсий тарихшунослик;
- трансрегионал ёндашув каби методологик тамойиллар муҳим аҳамият касб этади.

Бу ёндашувлар Марказий Осиё тарихини фақат сиёсий воқеалар йиғиндиси сифатида эмас, балки турли этнослар ва цивилизациялар ўзаро таъсири асосида шаклланган мураккаб этномаданий макон сифатида таҳлил қилиш имконини беради.

Адабиётлар

1. Бромлей Ю.В. Этнос и этнография. – Москва: Наука, 1973. – С. 35.
2. Morgan L.H. Ancient Society. – New York, 1877. – P. 12–18.
3. Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. – М.: Наука, 1983. – С. 57–63
4. Гумилёв Л.Н. Этногенез и биосфера Земли. – Л., 1989. – С. 112–118.
5. Gellner E. Nations and Nationalism. – Oxford, 1983. – P. 55–61.
6. Anderson B. Imagined Communities. – London, 1991. – P. 5–7.
7. Smith A.D. The Ethnic Origins of Nations. – Oxford, 1986. – P. 21–28.
8. Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М., 1989. – С. 18.

9. Tylor E.B. Primitive Culture. – London, 1871. – P. 1–5.
10. Braudel F. A History of Civilizations. – New York, 1993. – P. 33–41.
11. Huntington S. The Clash of Civilizations. – New York, 1996. – P. 41–49.
12. Толстов С.П. Древний Хорезм. – М., 1948. – С. 211–218.
13. Массон М.Е. Культура и искусство древнего Узбекистана. – Т., 1974. – С. 63–71.
14. Redfield R., Linton R., Herskovits M. Memorandum on the Study of Acculturation // American Anthropologist. – 1936. – Vol. 38. – P. 149–152.
15. De La Vaissière É. Sogdian Traders. – Leiden, 2005. – P. 112–130.
16. Golden P.B. An Introduction to the History of the Turkic Peoples. – Wiesbaden, 1992. – P. 142–158.
17. Khazanov A.M. Nomads and the Outside World. – Cambridge, 1984. – P. 201–218.
18. Beckwith C. Empires of the Silk Road. – Princeton, 2009. – P. 45–52.